



YOSHLAR OVOZI

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЧИНАКАМ ХАЛҚЧИЛ ТИЗИМГА АЙЛАНМОҒИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, прокуратура, ички ишлар ва мудофаа вазирликлари раҳбарлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирок этди.

Қонун устуворлигини таъминлашдан, жиноятчиликнинг олдини олмасдан халқ ишончини қозониш мумкин эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, барча даражадаги раҳбарлардан қатъий масъулият ва жаобгарлик талаб қилинмоқда.

Шу мақсадда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинди. Жумладан, илгари барча ходимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман бошқармаларида, 40 фоизи жойларда фаолият юритган бўлса, энди 35 фоизи идораларда қолдирилиб, 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида ишлай бошлади. Тизимни такомиллаштиришга оид 80 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинди.

Аммо бундай чора-тадбирларга қарамасдан, жойларда ҳали жиноятчиликнинг туб илдизига тўлиқ етиб борилмапти. Жиноятларнинг асл сабаблари урганилмапти, маҳалла, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларидаги муҳокамалар номига ташкил қилиниб, расмийликдан нарига ўтмапти.

Маълумотларга қараганда, 2017 йилда жиноятлар 2016 йилга нисбатан 16 фоизга, жорий йил 6 ойида эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 фоизга камайган. Лекин қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик

ва фирибгарлик жиноятларининг сони ҳамон юқориликча қолмоқда.

— Ҳамма бирдек енг шимариб, муаммолардан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга қўмақлашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олган ва унинг туб моҳиятини тушунтириганида эди, бугунги аҳвол ва рақамлар умуман бошқача бўларди, — деди давлатимиз раҳбари. — Афсуски, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳанузгача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаётимиз.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда курсаткичларни олдинги давр билан таққослаш амалиёти авж олган. Шу сабабли энди жиноятчиликни жиловлаш бўйича ишлар бутунлай янги тизимда ташкил этилади. Бу тизим “Жиноят ҳақиқати ва адолат” деб номланади.

Масъул раҳбарлар жойларга бориб, жиноятларнинг сабабларини урганади, муҳожама қилади, тақдорлининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар куради. Оммавий ахборот воситаларида “Жиноят ҳақиқати ва адо-

лат” рукни ташкил этилиб, барча ишлар батафсил ёритиб борилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳрида жорий этила бошлаган “Хавфсиз пойтахт” концепциясини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида “Хавфсиз шаҳар” шаклида йўлга қўйиш, бунда ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланди. Бош вазир, Бош прокурор, ички ишлар ва мудофаа вазирлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раисига бу борада тегишли топшириқлар берилди.

Жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этишга мойил шахслар ҳисобини қуритишнинг самарали механизми жорий этиш зарур. Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг ягона ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва ўзаро ахборот алмашувига масъул Ахборот маркази эса лоқайд масканга айланиб қолган. Бунга чек қўйиш учун Ахборот марказини Бош прокуратура таркибига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни рўйхат-

га олишнинг электрон тизimini жорий қилиш лозим. Бу ишларнинг узвий давоми сифатида ҳар бир ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти рейтингини жорий этиш керак.

Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлайдиган бошқа ташкилотлар, ҳокимликлар, ички ишлар бўлимларида ёшлар бўйича ўринбосар лавозими жорий этилади. Лекин жиноят содир бўлганда уларнинг фаолияти кўзга ташланмапти. Жойлардаги масъуллар жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириши ва сабабларини аниқлаши, оммавий ахборот воситаларида бевосита чиқиш маълумот бериши даркор. Шундан ҳам жиноятчиликка қарши курашиш имунитетини шакллантириш ўрнига унинг оқибатлари билан овора бўлиб қолверди.

(Давоми 2-саҳифада)

MUNOSABAT

Кўп йиллик муаммога самарали ечим



ТАНСИҚ ВА ТАНҚИС НЕЪМАТ ШУКРОНАСИ

Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиб...

Қарорни ўқир эканман, шу онда истиклол ва унганча бўлган йўл ҳақида чуқур ҳаёлга толдим. Ҳаёлимдан чалғимаслик учун кўзимни юмиб олдим... Қарорда айтилганидек, “Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистониимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиликни жараёнлари амалга оширишнинг бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда...”

(Давоми 3-саҳифада)

MUSTAQILLIKNING 27 YILLIGI OLDDAN

БИРДАМЛИК — БОЙЛИГИМИЗ



Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Бағрикенг Ўзбекистон” фестиваллари бўлиб ўтмоқда.

Лойиҳа бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бу йил илк бор амалга оширилмоқда. Асосий мақсад ёшлар орасида миллатлараро тотувлик, инсонпарварлик ва аниқ бағрикенглик

тон — умумий уйимиз” ширининг танлангани ҳам бежиз эмас.

Наманган вилоятида байрам кўтаринки руҳда ўтди. Икки ёш тоифасида ўтказилган танловларда шаҳар ва туманлардан сараланган 300 нафарга яқин йигит-қиз қатнашди. Ёшлар иншо ёзиш, шерият, тасвирий санъат, фотография, рақс йўналишлари бўйича иқтидорини намойиш этди. Ижодий ишларни соҳа мутахассисларидан иборат ҳакам-

лар ҳайъати баҳолаб борди.

Натижаларга кўра, 34 нафар йигит-қиз, шунингдек, “Кузунчоқ” ва “Нихол” рақс жамоалари фестивалнинг республика босқичига йўналди.

Самарқанд шаҳридаги “Ёшлик” маданият ва истироҳат боғида ўтказилган фестивал эса, 200 нафардан зиёд истеъод ва маҳорат соҳибини бир манзилда бирлаштирди.

Тадбир доирасида миллий таом ва либослар кўргазмалари ҳам ташкил этилди. Айнисқа, фольклор жамоаларининг чиқишлари, маҳорат билан ижро этилган турли миллат ва элатларга хос рақслар йиғилганларда катта таассурот қолдириди.

Яқунда йўналишлар бўйича ғоиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Отбек АЗИМОВ,
Шаҳноза ХОЛИҚОВА

КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Қуролли Кучлар академиясида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якуналарига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев кенгаш ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари фаолиятини танқидий таҳлил қилди, мавжуд муаммоларга алоҳида тўхтади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга оид ҳисоботлар тингланди.

Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан вилоятларда “Миллий армиямиз ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир” шiori остида 100 дан ортиқ лойиҳалар ўтказилди. “Менинг ўғлим Ватан ҳимоячиси”, “Менинг акам ҳарбий” ва шу каби

мавулардаги тадбирларга 42 минг 500 нафар ёшлар жалб қилинди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари қoшида 443 та “Жасорат” клублари фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 9 минг 636 нафар ёшлар жалб қилинди.

Шунингдек, соҳадаги кўплаб масалалар бўйича видеоконференция режимида жойлардаги минтақавий бўлинмалар вакиллари ахборотлари тингланди. Қашқадарё,

Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳудудий кенгаш аъзолари томонидан бажарилган ишлар, баъзи йўналишлардаги муаммолар ҳусусида маълумот берилди.

Кенгаш аъзолари юртимизда ўтказилган бир қатор давлат байрамлари, олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тантанали битирув, аскарларнинг ҳарбий қасамда қабул қилиш маросимлари ва бошқа турли маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш билан кифоялангани танқид

қилинди. Кенгаш низомида белгиланган талаблар ва йил бошида қабул қилинган режалар ижросига ҳам кам сонли аъзолар томонидан эътибор қаратилиб, барча бирдек ёндашмаётгани ҳусусида айтиб ўтилди.

Мутахассислар томонидан жойларда тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолмай, ҳарбийларнинг муаммолари, оилавий шартинини ҳам ўрганиш зарурлиги бўйича тавсиялар берилди.

А.МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири



ЭНГ САРА ФИЛЬМЛАР
ТАҚДИРЛАНАДИ

Ўтган йили “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ёшлар иттифоқи, ташкилот қoшидаги Кинематографияни ривожлантириш маркази ҳамда Ёш киноижодкорлар кенгаши ижтимоий мавзуларда юқори

савияли киноасарлар яратиш, мазкур жараёнга истеъодли йигит-қизларни жалб этиш, соҳада “Устоз-шогирд” альянсини ривожлантириш мақсадида “Арт-хаус” лойиҳасини йўлга қўйган эди.

Унинг биринчи фаслида таниқли киноижодкорлар — Ёлқин Тўйчиев, Жаҳонгир Қосимов ҳамда Аюб Шаҳобиддинов маҳорат дарсларини ўтди. Эндиги навбат туртинчи бадиий раҳбар — Рашид Маликовга етди.

Таниқли режиссёр ёшлар учун август, сентябрь ва октябрь ойларида машғулотлар олиб боради. Ҳозирда мазкур жараёнда қатнашишга лойиҳа ёшлар саралаб олинмоқда. Талабдорлардан ҳаммаси бўлиб 90 га яқин ариза келиб тушган.

Йил якунигача ёш киноижодкорлар олдига қисқа метражи фильм суратга олиш вазифаси турибди. Ёш сара ишлар турли номинациялар бўйича тақдирланади.

Мухбиримиз.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЧИНАКАМ ХАЛҚЧИЛ ТИЗИМГА АЙЛАНМОҒИ КЕРАК

(Бошланиши 1-саҳифада)

Йиғилишда сўнги пайтда ўз жониға қасд қилиш ҳолатлари кўпайгани билан боғлиқ муаммо муҳокама қилинди. Аҳолиға психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштиришга оид дастурлар доирасида психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерларининг моддий-техник базаси яхшилагани, кадрлар малакасини ошириш тизими йўлга қўйилгани, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жониға қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, туман хотин-қизлар кўмиталари хузурида махсус маркаслар ташкил этилаётгани, "хавф ташкил" гуруҳида бўлган шахсларнинг ягона электрон базаси шакллантирилатганига қарамай, масъулларнинг бу масалаға ёндашув ва муносабатида кескин ўзгариш кузатилаётгани. Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси ўз жониға қасд қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳодисаға "фавқулода ҳолат" сифатида қараши, таълим муассасаларида ўз жониға қасд қилишға мойил хулқ-атвор пайдо бўлишиға йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиш лозим. Дин ишлари бўйича кўмига та Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз жониға қасд қилишға нисбатан муқаддас динимизнинг муносабатини таъсирчан усулларда кенг оммаға тушунтириши зарур.

Жорий йил 6 ойида рўйхатга олинган жиноятларни асосан ўғрилик, фирибгарлик, талончилик ва боқсиччилик ташкил қилган. Бу ҳолат профилактика, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматлари фаолиятини мутлақо қоникарсиз эканидан далолат беради. Масалан, юртимиздаги ҳондонларнинг 0,7 тадбиркорлик объектларининг 12 фоизини на қўриқлаш пултиға улан-

ган, оммавий жойлардаги видеокамералар ягона тизимға уланмаган. Ўғрилик, қўриқлаш хизмати ҳамон эскича тизимда ишламоқда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда сусткашликка йўл қўймоқда. Бундай ҳолатлар жиноятлар очилмай қолишининг сабабларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қўриқлаш хизмати фаолиятини янги тизим асосида ташкил этиш, ахборот технологияларини тўлиқ жорий қилиш, давлат-хусусий шерикликка мувофиқ сервис сифати ва кўламини ошириш лозим.

Йиғилишда ёшлар орасида жиноятчилик қамаймаётгани масаласи кўриб чиқилди. Жорий йилнинг 6 ойида юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизини ўғриликнинг қўли бориғи ачинарлидир. Бунинг сабаби ёшлар ягона гоё, ягона мақсадларнинг йўлида жипслаштирилмаётгани, таълим-тарбия ва бандлигини таъминлашда кўп-лаб тизимли муаммолар ҳал этилмаётганидир. Масалан, бир йилда 600 мингдан зиёд

йигит-қиз мактаб, лицей ва коллежларни битиради. Олий ўқув юрталари уларнинг 10-15 фоизини қабул қилади. Демак, қолганлар эртаға ким бўлиши ҳақида бош қотириш зарур. Уларға муносиб шароит яратиб берилмас экан, эртаға ниманидир талаб қилишға ҳеч кимнинг маънавий ҳуқуқи бўлмайди. Шунинг учун ҳам "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинди, 800 миллиарда сўм маблағ айнан ёшлар тадбиркорлиғи, бандлиғи учун йўналтирилди. Масъуллар уйма-уй юриб, ёшлар билан сўхбатлашиши, уларнинг орзу-мақсадларини билиш орқали ушбу дастурнинг тўлиқ ижросини таъминлаши лозим.

Йиғилишда йўл-транспорт ҳодисалари кўпайгани билан боғлиқ масала муҳокама қилиниб, бу борада энг асосий муаммо ҳайдовчи ва пиёдаларнинг билим-кўникмалари, қонунға итоаткорлик ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига ўзaro ҳурмат маданиятини ўрта пастағида экани таъкидланди. Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун

жазо қўлланилмайди, лекин натижа қўтилганидек эмас. Йўлларнинг аҳоли, йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, уларни боқсичма-боқсич замонавий қолламаи йўл белгилари билан алмаштириш боқсичидаги ишлар талабға жавоб бермайди. Ички ишлар вазирилик, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси 2018 – 2022 йилларға мўлжалланган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясида кўрсатилган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаши даркор. Шу билан бирға, соҳаға давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этиш, хуудларда магистраль йўллари хусусийлаштириш, пуллик хизматни йўлга қўйиш, йўл ҳаракати қондаларини қасдан бузганлик учун жавобгарликни қучайтириш чораларини кўриш керак.

Мана шундай камчиликлар туфайли ички ишлар идоралари чинакам "Халқчил ички ишлар органлари"ға айланмаёпти. Ҳанузгача мурожаатларни эътиборсиз қоладириш, хизмат вазифасиға совуққонлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд. Кейинги вақтларда тизим ходимларининг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатларини суинистемвоқоқ қилишиға доир ҳолатлар интернетда кенг муҳокама қилинаётгани ички ишлар органларининг обрўсига путур етказмоқда. Ички ишлар вазирилик кенгайтирилган ҳай'ат мажлиси ўтказиб, бундай ҳодисаларни муҳокама қилиш, келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриши лозим.

Мана шундай камчиликлар туфайли ички ишлар идоралари чинакам "Халқчил ички ишлар органлари"ға айланмаёпти. Ҳанузгача мурожаатларни эътиборсиз қоладириш, хизмат вазифасиға совуққонлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд. Кейинги вақтларда тизим ходимларининг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатларини суинистемвоқоқ қилишиға доир ҳолатлар интернетда кенг муҳокама қилинаётгани ички ишлар органларининг обрўсига путур етказмоқда. Ички ишлар вазирилик кенгайтирилган ҳай'ат мажлиси ўтказиб, бундай ҳодисаларни муҳокама қилиш, келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриши лозим.



Моҳиамил ҚУРБОНОВА
Ёзёвон туманида "Юртимиз равнақиға барчамиз масъулмиз!" шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди.

Тадбирда 4 минг киши қатнашди. Эликдан ортиқ корхона ва ташкилот ўз маҳсулотларини намойиш этди. Кун давомида бўш иш ўринлари ҳамда китоб



Тадбирда 4 минг киши қатнашди. Эликдан ортиқ корхона ва ташкилот ўз маҳсулотларини намойиш этди. Кун давомида бўш иш ўринлари ҳамда китоб

Миллионлаб ташаббускор ёшларни руҳлантиради

Давлат ва жамият бошқарувида, бизнесни тараққий эттиришда, умуман, барча соҳа ривожига салоҳиятли ёшлар аҳамияти кучдир. Янгидан-янги ташаббус-ғояларни илгари суриш, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда уларнинг нуқтаи назари ва саъй-ҳаракатлари гоёт муҳимдир.

Юртимизда замонавий билим ва кўникмаларға эға, мамлакатнинг муносиб келажағи учун жавобгарликни ўз зиммасиға оладиган баркамол, мақсадағи интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил 27 июнь санаси юртимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилган кун сифатида тарихға муҳланди. Шу кун Президентимиз фармони билан "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжат жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятиға кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбға чиқариш, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал этишға қаратилгани

билан ҳам аҳамиятлидир. Мамлакатимизнинг эртанги кунини учун муҳим аҳамият касб этилган ушбу ҳужжатнинг самарали ижро этилишини таъминлаш барчамиз учун бирдай муҳим вазифа.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг навбатдағи давра сўхбати шу мавзуга бағишланди. Тадбирда Президентимизнинг "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисидаги фармони мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни амалға ошириш устидан жамоатчилик ва парламент назоратини олиб бориш, бунда Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда сиёсий партияларнинг Ёшлар қанотлари олдига турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Депутатлар, сиёсий партияларнинг Ёшлар қанотлари раҳбарлари ва фаоллари, мутасадди вазирилик ва идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда давлатимиз раҳбарининг фармонида кўзда тутилган муҳим вазифалардан кейиб чиқиб, парламент қуйи пала-

тасининг позицияси белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислиғида жорий йилнинг 4 июль кунини ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топириқлар ижроси юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан қатор ишлар амалға оширилди. Хусусан, Давлат дастури ижросини жойларда самарали ташкил этиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир хуудини Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссия аъзолари ва депутатлари бириктирилиб, улар Республика ишчи гуруҳлари тарихида иш олиб бордилар.

Қонунчилик палатасининг хуудаларға бириктирилган депутатлари томонидан Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ёшларға етказиш бўйича тарғибот ва ташвиқот тадбирлари олиб борилди, фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қилинган ишларда ҳуудий ва маҳаллий ишчи гуруҳларға

амалий кўмак кўрсатилди. Жумладан, Навоий вилоятида жорий йилнинг 12 июль кунини мазкур ҳужжат мазмун-моҳиятиға бағишланган матбуот анжумани ҳамда 17 июль кунини Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ташаббуси билан "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижросини ташкил этишда сиёсий партиялар ва Ёшлар қанотларининг ўрни ва роли" мавзусида семинар ташкил этилди. Хоразм вилояти ҳокимлиғида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Амударё ва Эликқалъа туманларида бўлиб ўтган учрашувлар давомида барча мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида амалий мулоқот ҳамда семинарлар ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ёшлар билан учрашди, аниқланган муаммоларни ҳал этишда, ишсиз ёшларни ишға жой-

лаштиришда ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истағида булган ёшларға амалий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирға, фармонда белгиланган вазифаларнинг жойлардағи ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар, юзаға келаятган муаммоларни ҳал этиш бўйича тавсиялар туман ва шаҳар филиаллари директорлиғиға номзодлар танлашда ҳам кўмақлашилди.

Бу ишлар катта-катта мақсадли бор, бироқ уни амалға оширишда иккиланиб, бироз қийналиб турган ёшларни руҳлантириши табиий, албатта. Олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар охири-оқибатда аниқ ташаббуси бор, янгидан-янги ғоялари билан юртимиз тараққийтиға хисса қўшишға тайёр бутун бошли бир авлодни юзаға чиқариш шубҳасиздир.

Козимжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг
Ёшлар масалалари бўйича
комиссияси раиси
ЎЗА

аниқланади. Муносиблар уч йиллик дастур бўйича бакалавриятға қабул қилинади. Ўқиш пуллик. Яна бир муҳим жиҳат: университетни битиргач, йигит-қизлар уч йил мобайнида узулусиз ишлаб бериши керак.

Низомда қайд этилганидек, имтиёзли қабул учун Адлия вазирилик Тошкент давлат юридик университетининг умумий квотасидан ташқари хуудлар кесимида қўшим-

ридан ташқари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киришиши мумкин.

Юридик коллеж битирувчилардан аризаларни қабул қилишнинг охириги мудаати — 25 май. 1–10 июнь кунлари аризалар кўриб чиқилади ҳамда номзодлар билан яқка тартибдағи сўхбат ўтказилади.

Сўхбат натижалари эртаси куниниёқ Тошкент давлат юридик университети веб-сайтида эълон қилинади.

Эслатиш жоиз, 100 балдан 55 ва ундан кам балл тўплаган абитуриентлар ўқишға қабул қилинмайди.

Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

ридан ташқари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киришиши мумкин.

Юридик коллеж битирувчилардан аризаларни қабул қилишнинг охириги мудаати — 25 май. 1–10 июнь кунлари аризалар кўриб чиқилади ҳамда номзодлар билан яқка тартибдағи сўхбат ўтказилади.

Сўхбат натижалари эртаси куниниёқ Тошкент давлат юридик университети веб-сайтида эълон қилинади.

Эслатиш жоиз, 100 балдан 55 ва ундан кам балл тўплаган абитуриентлар ўқишға қабул қилинмайди.

Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

ESHITDINGIZMI?

ИМТИҲОНСИЗ, ЛЕКИН БИТТА ШАРТ БИЛАН

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик тасарруфидағи юридик коллежлари битирувчилари Тошкент давлат юридик университетига сўхбат асосида имтиҳонсиз қабул қилинади. Тафсилотларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидағи Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши раиси Баҳром ИАҲОМЖОНОВдан билиб олдик.



— Мазкур қоида ҳуқуматнинг 2018 йил 24 июлидағи қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик юридик коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университети бакалавриятига ўқишға қабул қилиш тўғрисидағи низомда мустаҳкамлаб қўйилди. Ўрнатилган тартибға мувофиқ, юридик коллеж-

ларни тамомлаган ёшлар ҳар йили ҳуудий адлия органи бошчиға буйруғи билан ташкил этилмаган махсус комиссия йўлланиб билан ўқишға тест синовсиз кириши мумкин. Абитуриентлар билан фақат яқка тартибдағи сўхбат ўтказилади.

Сўхбат натижаси ҳар бир номзоднинг рейтинг тизими асосида тўплаган баллиға қараб



ча ўринлар ажратади. Яқка тартибдағи сўхбат жараёнида абитуриентнинг мамлакатда амалға оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳиятидан нечоғлиқ хабардорлиғи, касб танлашдағи мотивацияси (юриспруденциянинг моҳиятини тушуниши, соҳаға доир назарий ва амалий билим-кўникмаларға эғалиғи), шахсий ҳамда касбий хусусиятлари (ўқишға қобилияти, ижодкорлиғи, интизомлиғи, ўзи устида ишлаши, масъулиятни ҳис этиши ва мустақил қарор қабул қила олиши), шунингдек, чет тилини билиш даражасини аниқлайди.

Махсус комиссия ҳар йили 10 майдан кечикмай тузилади. Унинг тартибига адлия органлари ва муассасалари ходимла-

YUKSALISH

ЯРИМ ЙИЛДА 65,8 МИЛЛИАРД СЎМ



Шерзод МАҲМУДОВ
"Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури доирасида "Микрокредитбанк" АТБ 237 та ижтимоий лойиҳани молиялаштирди. Шу мақсадда 65 миллиард 800 миллион сўм маблағ йўналтирилган.

Пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида банкнинг ўтган олти ойлик фаолияти таҳлил қилиниб, журналистлар, мутасадди ва экспертлар

риш тўғрисида"ги қарори ижросиға 1,2 миллиард, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 85,2 миллиард, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятиға жалб этишға эса, салкам 10 миллиард сўмлик кредитлар ажратдик, — дейди муассасанинг кредитлаш департаменти бошқармаси бошчиғи Улугбек Абраҳаматов.

Тадбирда "Микрокредитбанк" АТБ раиси уринбосари Азиз Низомов сўзға чиқиб, банк тизимида Туркия тажрибасини жорий қилиш кўзда тутилгани, ушбу мамлакатнинг Кичик ва ўрта бизнесини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш департаменти билан ҳамкорлик меморандуми имзоланганини таъкидлади. Шу билан бирға, яқинда миқозлар учун йўлга қўйилган интерфаол масофавий хизмат турлари ҳақида йиғилганларға атрафлича маълумот берилди.

ТАНСИҚ ВА ТАҶҚИС НЕЪМАТ ШУКРОНАСИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

1997 йил 7 январь: «УМИД» ВА 800 ТАЛАБА

Ҳеч нарсага осонликча эришиб бўлмайди. Ҳар бир юмушнинг ечимидан кўра, тўсиғи бўртиб туради. Бундан бир неча йиллар илгари мамлакатда сиёсий-иқтисодий ҳолат фоят танг, сабру бардош ҳар лаҳзада синодан ўтиб турган давр. Ҳамманинг галваси ўзига етарли. Йиллар қувонч билан бирга ташвишларни юзма-юз қилади. Бундай вазиятда ҳар қандай қарор қабул қилиш кўп мулоҳаза талаб қилади.

Ана шундай машаққатли дамларда Биринчи Президентимиз кўпинча оидолана тўхтама қалганини бугун ҳаёт исботлаб турибди...

Утган аср сўнггида ишонч тоғ қадар юксалиб оламга юз тутди. 800 нафар ёш авлод вакили хорихда билим олишга жўнатилди. Шунчаки эмас, минг машаққатлар эвазига жўнатилди. «Умид»ларни хорихда ўқитиш учун Биринчи Президентимиз 1997 йил 7 январда қатъий туриб айтган эди: «Мана шу ёшларни чет мамлакатга юбориш учун пул топаман, валюта топаман, бу болаларни жўнатаман...»

Орадан йиллар ўтиб, 1999 йилда АҚШга ташрифи чоғида талабалар билан учрашувда эса давлат раҳбарининг даъватидан қарогимга ёш қалқани чин: «Ишонаман, мана шундай ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини беради, сиздай ёшлар бор экан, Ўзбекистоннинг келажоғи пороқ...»

Айнан шу маҳалда менда ҳам мақсадлар яқинлашиб — ким бўлиш, қаерда ўқиш каби саволлар дярли ечимини топган эди. Кутубхона ва репититордан қадами узилмай қолган ўспирин учун давлат раҳбарининг ака-опаларимга билдирган ишончи менга нафақат дала, балки ғайрат-шижоат ҳам бағишлаганди. Баъзан шундай эътибор бўладики, инсоннинг юриш туришини, ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади.

Яна ўша қарорга мурожаат қилами: «Утган давр биз учун фоят муҳим бир ҳақиқатни тақдор ва тақдор тасдиқлаб бермоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажоғимизни фақат мустақиллик асосида куришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар очиб беради...»

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ...
1999 йил 30 август...

Кўзимни юмиб орта тисариламан. Кун тафти ер бетига ёйилиб, атрофни ёндиргудек қизилра бошлаган, шовқин, беҳаоловат ҳаёт саси эса элас-элас қулоққа чалинади. Сўлгин кайфият яна қай томонгадир от солмоқда. Хайри таассурот тилаб, иш столига ўтираман...

Биномиз баланд. Бояги манзара — юртимизнинг сон-санокчисиз доврак жигарбандлари ном-нишонсиз қўмилган, ҳозир обод зияратгоҳга айлантирилган жой олдидан кўзга ташланади. Маъмуанинг очилиш маросиминда Биринчи Президентимиз шундай эзгу сўзларни таъкидлаган эди: «Утганлар олдида қарзимизни адо этдик... Савобли ишга ким қўл урган бўлса, эшитсин, албатта, қайтади». Шу видеолавҳани қайта-қайта томоша қилдим.

Шукроналик ва қатъият акс этган бегубор онлар қайломаси... Келинг, шу фурсатда яқин ўтмишда кечган воқеага юзланайлик. ...Автобусдан тушдик. Катта ва гавжум шаҳар. Атрофда қурувчилар тиним билмай ишламоқда. Она тили ва адабиёти ўқитувчимиз шовуллаб оқаётган каналнинг бир четига бошладим. Узоқ сукут сақлаб турди. Офтобда қорайган юзлари негадир нурлангандек туюлди менга. Қотмадан келган, тепа сочи сал сиррақлаган, қирра-бурун, кўзойнак таққан устозимиз нималарнидир ўнчисиз пичирлай бошладим. Кейин кўларини дуога очиб, жадид ёзувчиларни номма-ном санаб, уларга охираётган ободлигини тилади. Ҳайратда қолганимизни пайқайди чамамда, уларга охираётган ободлигини тилади. Бу бундай, у ундай... Мустақиллик — бу, қурбонлар деганидир, деди охира.

Шундан буён эркинлик ҳақида сўз кетса, бизни ўзга оламга бошлаган устозимнинг самимий сўзлари қулогим остида тез-тез тақорланади. Ушанда Тошкентга келиб, дастлаб кўзимиз тушган манзил — Шаҳидлар хотираси мажмуаси. Бу ерда қурилиш кетаётган экан. Орадан йиллар ўтиб, ҳар гал йўлим шу тарафларга туша, албатта, бир кириб ўтаман. Бу одатга айланган. Балки адабиёт ўқитувчимизнинг хотираси ҳурматидир... Ушандан кейин ўқиб, ўрганишлар давомида шунга яна бир қарра амин бўлдими, мустақилликни бизга ўтган аср аввалидаги аждоғларимизнинг улкан жасорати, сўнмас қалб ҳарорати ҳам тақдим этган экан. Тўғри, баъзан қонуний асос Биринчи даражага чиқади. Лекин бундай олий мақсадни кўнгилларга улашган жадидлардек фидойи жафоашлар эмасми?! Қонуний асосларнинг йўли бир ён экану бу бир ён экан. Шунинг учун ҳам 31 августни Қатагон қурбонларини ёд этиш кўни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Президент қароридан: «Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутди...»

ЯНГИ ЎЗБЕК ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

Тинчлик, эркинлик ҳақида қандай далилларни келтирай. Айтинг! Энг ишончли далил — бу менинг қалбим. Чиндан ҳам шундай эмасми? Уни жонсиз, сохта, пуфлаб шиширилган мутахассис маълумотлари билан бойитиб, кимнингдир бошини қотиришдан йироқман. Ўрни келганда қайсидаир сана, бошқалар фикридан иқтибос келтирарман. Лекин бу бошқа масала. Мустақиллик борасида, умуман, нима қораласам ҳам мен англаганимни, юрак-юрданга нимани ҳис қилсам, ўшани оққа кўчиришга қарор қилганман... Тўғри, ёзаётганим қанақадир тартибларга, измларга тушмас. Аммо қалбада жўш урган тугёнини беҳишов қарамликка ем қилиш илдоосида эмасман. Бу эскартма. Мустақиллик — инсон учун ҳамма нарса! Кимгадир бунди изоҳлаб бериб бўлмайди.

Аждоғлар бу неъматни деб бошини беҳуда кундага қўймаган. Ахир ҳурликдек бетимсоқ қадрият ҳаммиса

кишилик жамиятида олий даражада эъзозланган. Беш-ўн йил илгари оилам билан ижарама-ижарама пойтахт кўчаларида сарсон кезинганмиз. Нега шундай бўлган биласизми?! Кейинчалик ўйлаб, бу тўхтама келганман. Бизга — оиламга эркинлик етишмасди. Ягона сабаб шу. (Ижарадорлар ўтирсанг ўпоқ, турсанг сўпоқ, даявергандан сўнг яшаб бўладими. Остонаси тиллодан бўлса ҳам, бор-э, деб юборасиз-да. Бўлмаса, уй эгалари бўлса туришди. Ҳеч бўлмаса дам олиш кўни хотиржам ўтишини сўраб Яратгандан ўтинганим кечагидек эсимда. Ҳасрат қилаёпти, деб ўйламанг. Шунчаки, мавриди келди, холос.) Қураписмиз, мўъжаз оиланинг хотиржамлигида ҳам эркинлик билан ўзвий боғлиқлик бор экан-!

БОЛАЛИКДАН ТАНИШ МАНЗАРА

Ҳудди шунақа: эркинлик тансиқ ва таққис неъмат. Яқинда бир видеоёдномга кўзим тушди. Унда таниқли олим, тарихчи-сиёсатшунос Н.Жўраев хотиралари билан ўтган аср аҳолиларимизнинг бир-бирдан ажратиб бўлмайди... Бу яхлитлик тарихга кирди... Утиш даврида айрим камчиликлар бўлди, бу — табиий. Лекин бу камчиликлар ҳаммамизники, бир одамники эмас эди-да энди... Шукрки, барча камчиликлар тарихий ютуқларимиз соясида қолиб кетди. Ўзбекистоннинг янги цивилизациясини халқимиз учун Ислам Каримов бошлаб берди. Бу китобий, баланпарвоз гап эмас... У инсон янги ўзбек цивилизациясини бошлаб берган буюк шахсдир...»

Ҳадемай бахтимиз ва толемиз қаҳқашони мустақилликнинг 27 йиллик байрамини нишонлаймиз. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда яшаётган яхши ниятли инсон борки, табарруқ байрамга ўзга-чи севинч, ўзгача қувонч, қолаверса, ўзгача гурур, ўзгача ифтихор билан пешвоз чиқади. Негаки, халқимизнинг бегубор тилаклари айнан Истиқлол туғайли ижобат бўлди. Яна Президент қарорига юзланамиз: «Халқимизнинг асрий орзуси бўлган, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирган Ўзбекистон мустақиллиги...» ҳаммиса эл ардоғида. Мустақиллик азалий қадриятларимиз, поймол бўлган урф-одатларимиз, мудраб ётган анъаналаримизнинг қайта қад ростлашига замин яратди. Тақдор бўлса-да айтиш жоиз, буюк аждоғларимизнинг табарруқ номлари тикланди, қадимий тамадунимиз дунё аҳли томонидан эътироф этилди.

Сўзимни болалигимдаёқ мени мафтун этган шириннинг қуйидаги ўтмишларини билан якунлашам: «Қадим юртга қайтсин қадим наволарим, Қумлар босиб қуриямасин дара-ларим. Алломишга алла айтган момоларим Рўҳини шод этай десанг — халқ бўл, элим!.. Дунёга боқ, қадади сендек ким бор яна, Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна. Халқ бўлишга ҳақди сендек ким бор яна, Мўзийни ёд этай десанг — халқ бўл, элим...»

Ғайрат ШИРИНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

“MARD O'G'LO” DAVLAT MUKOFOTI SOVRINDORLARI

Иқболжон ҲОЛДОРОВ:

“ЎЗИМГА ИШОНАМАН!”

Тўққиз ёшимдан бокс билан шуғулланаман Шермурод Юсупов — менинг илк мураббийим. Устозим инсон қудрати билан биладики кучида эмас, ақл-идрокида эканини бот-бот ўқтиради. У кишининг барча ўғитларига амаа қилиб, ўз устимда тинимсиз ишладим. Машғулотларга боришни қанда қилмадим.

Кейинчалик тажрибали, жонкуяр мураббий Абдулвоҳид Жамолов қўлида шуғуллана бошладим. Осиё ва жаҳон чемпиони бўлдим. Негаки юртимизда бундай эътирофга муносиблар кўп. Улар орамизда, ҳормай, томай меҳнат қилиб келмоқда. Бири қурувчи, бири ҳарбий,

ни сўз билан ифодалаб беришим қийин.

“Мард ўғлон” Давлат мукофотига муносиб қўриламан, деб сира ўйламагандим. Негаки юртимизда бундай эътирофга муносиблар кўп. Улар орамизда, ҳормай, томай меҳнат қилиб келмоқда. Бири қурувчи, бири ҳарбий,

кимдир илм-фан билан машғул. “Мард ўғлон” зиммамдаги масъулиятни, қолаверса, ўзимга бўлган шончини юз чандон оширдим.

Айни вақтда навбатдаги Осиё чемпионатида тайёргарлик қураяман. Насиб этса, бу сафар ҳам галаба билан қайтаман.



Мақсадим — 2022 йилда бўлиб ўтайдиган Олимпиада уйинлари совриндори бўлиш. Илло,

ана шундай юксак марраларни забт этмоқ биз, Ўзбекистон ёшларига ярашади.

DOLZARB MAVZU

“ТЕКИН ЭНАГА”НИНГ ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН “ТАРБИЯ”СИ



Комила ОҚЎЗИЕВА,
Китоб туманидаги 74-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Мактаб ҳам оила каби фарзанд тарбиясида муҳим ўрин тутди. Таълим даргоҳларида ўғил-қизлар интеллектуал салоҳиятини ошириди, тартиб-интизомга ўрганади. Ҳозир таълим. Баъзи ўқувчилар оромгоҳларда мазмунли ҳордиқ чиқараётган бўлса, айримлари муайян тўғарак (фан, мусиқа, спорт, меҳнат) да иқтидорини тобламоқда. Бироқ бўш вақтини нимага сарфлашни билмай, эрталабдан-кечгача телевизор қаршисидан жилмайдиган тоифа, афсуски, йўқ эмас.

Яқинда иш юзасидан пойтахтга боришимга тўғри келди. Йўловчи машинада бир оилага ҳахроқ чиқдим. Фарзандларининг сўхбати эътиборимни тортди.

— Уф, тезроқ етиб борсак эди. “Чуқур” зур жойига келиб қолган-да, — деди чамаси 12-13 ёшли ўсмир.

— Эй, шу “Чуқур” ингни қўй! Дип Тарани Ароҳи деб ўйлаб отиб қўйди, энди буёғи расво бўлади, — энтиқди ёнидагиси.

Опа-уканинг гап-сўзларидан улар сериал ишқибози эканини дарҳол

англадим. Кейин сўхбатга она ҳам қўшилди.

— Дадаси, шу сериалнинг дискини олайлик, қўшни хотинларга охири нима билан туғашини айтиб мақтанаман, — деди у рулдаги эрига қараб.

ларда ахлоқий мезонлар бузиб кўрсатилаётганига гувоҳимиз, ахир. Ачинарлиси, одамлар бу каби ҳолатларга тобора кўникиб бормоқда.

Телевизор руҳий қарамлиқни келтириб чиқариши бор гап. Бу жиҳатдан уни, айтиялик, кашандаликка тенглаштириш мумкин. Шу билан бирга, медиамаҳсулотлар муайян образларни томошабин онгига мажбуран синдиришга хизмат қилишини ҳам унутмайлик. Масалан, аёл одатда макياج, мода тушунчалари, ёшлар эса, рок, рэп, аллабало соч турмакларини йиртиқ-ямоқ кийимлар билан ёнма-ён қўйилади.

Яна бир жиҳатни эътиборсиз қолдирмаслигимиз керак: бола экрандаги зўравонлик саҳналаридан таъсирланади. Тажанг, жиззакчи бўлиб қолади. Натижада дарс тайёрлаш жараёнида фикрини жамлашга қийналади.

Америкада кичик тадқиқот ўтказилган. Унга қўра, минг нафар кишидан телевизор кўришдан мутлақо воз кечиш сўралган. Респондентларнинг 46 фоизи камда миллион доллар эвазига бу ишни қилишини айтади. 25 фоизи эса, ҳеч қандай пулга рози бўлмади.

— Мутахассислар телевизорни ҳалдан зиёд кўп кўриш соғлиққа зарар эканини бот-бот тақдорлаб келатганига қарамай, баъзи ота-оналар бу борада фарзандларига намуна кўрсатаётгани ҳайратланарли ҳол. — дейди Ёшлар иттифоқининг Китоб тумани кенгаши раиси Жасур Расулов. — Улар учун телевизор “текин энага”дек гап. Оқибати билан эса, қизиқмайди. Эсимда, бундан бир неча йил муқаддам намойиш этилган тарихий корейс сериалига тақдир қилиб маҳалладаги болалар бир-бирини тигли жисм билан жароҳатлаганди. Замонавий сериалларда зилдан тарғиб қилинаётган ичкиликбозлик, шоҳона ҳаёт ёшларда қаноат ҳиссини заифлаштириб, шон-шўҳратга мойиллигини оширмоқда, назаримда.

Ёшлар етакчисининг фикрида жон бор. Паст савияли сериаллар, компьютер уйинлари, видео-клип ва ҳоказолар эрмак учун ўйлаб топиладиган нарса, холос. Таассуфки, ҳозир улар ёшлар онгидида маънавий бўшлиқни тўлдирмоқда.

Хўш, нима қилиш керак? Аввало, биз, катталар ўзимизга эътибор берайлик. Хатти-ҳаракатимизни тафти қилайлик. Фарзандимиз эрталабдан кечгача телевизор кўриши билан ўрганимаяпти-микан? Мовий экрандан бери кетмайди ота-онанинг болаеси танбех бериб, чеклов қўйиши қанчалик тўғри?..

Назаримда, ҳар биримиз фарзандимизнинг ёшига мос дастурлар: фильм ва курсатларини олдидан саралаб, уни фойдали машғулотлар билан банд қилиш режасини тузиб чиқишимиз лозим. Шахмат, шашка каби ақлни чарқайтирган уйинларга, чет тилларини мукамал ўрганиши учун ўқув марказларига йўналтириш ҳам яхши самара беради.

Азиз ота-оналар, фарзандингиз келажакда қандай инсон бўлиб етишиши сиз унга қанча вақт ажратаётганингиз, нечоғлиқ эътибор кўрсатаётганингизга боғлиқ. Лоқайд бўламнг!

KITOB JAVONINGIZGA

O'ZBEK XALQIGA
QO'YILGAN HAYKAL

Sh.ERKINOV

O'ynab qo'yay, o'ynab qo'yay, Tog'ay Muroddan o'ynab qo'yay. "Otamdan qolgan dalalar"ni o'qing. Olamni unutasiz. Qahramonlar taqdiri sizniki bo'ladi. Qahramonlarda o'zingizni ko'rasiz.

Ha, yuqoridagi jumalar Tog'ay Muroddan xos: unga yarashadi, qo'shiq kabi o'qiladi. O'zbekiston Qahramoni Said Ahmad: "Tog'ay adabiyotga tutab emasa, yonib kirdi!" — deganida mutlaq haq edi. Adibning sermahsul ijodini kuzatir ekansiz, bunga bot-bot amin bo'lasiz.

"Otamdan qolgan dalalar" — Tog'ay Muroddan ijodining gultoji. U: "Men o'zbek xalqiga haykal qo'yaman!" — degan otashin gapni ham bejiz aytgan emas.

Romanning bosh qahramoni — o'zbekning haqiqiy, tanti va sodda farzandi Dehqonqul adabiyotimiz uchun, chin ma'noda, topilma. Asar davomida kitobxon unga hamroh bo'ladi. O'y-fikrlarini anglab, qilayotgan ishlarini ko'rib, kulishni ham, qayg'uga botishni ham bilmaydi. Dehqonqul mehmonni izzat qilishni biladi. Unga tansiq ne'matlar ilinadi. Mevalarni yeb



qo'ygani uchun o'g'lini hatto urishdan ham toymaydi.

Asarda o'zbek xalqining turish-turmushi realistik tarzda tasvirlab berilgan. Dehqonqulning otasi Aqrab hibsga olinganida quyidagi so'zlarni aytadi: — O'zbek-da ana shunday! O'zbekka jannatmakonda tatimaydi. O'zbek jannatmakonda o'z el-yurtini qo'msab-qo'msab ado bo'ladi. O'zbek jannatmakonda do'zaxmakon paxtazorini

qo'msab-qo'msab qaytib keladi. Shu bois o'zbeki qabriston qiblagohda bo'ladi!

Shuningdek, Aqrab zavjasi Bolxiga qizillar haqida gapira turib: "Dehqonqul! Qizil yomon-da, qizil yomon. Boisi qizil rang — qon rang! Qon yomon, yomon!" — deya yana bir haqiqatni oshkor etadi.

Oradan yillar o'tib, bu so'zlarni Dehqonqulni tergov qilish jarayonida Ivanovich ham tilga olgan: "Qizil zona" da inson o'nomusi, inson shon-shuhrati, inson qadr-qimmatini... yo'q, yo'q! Tag'in yo'q! "Qizil xona" o'z nomi bilan — qizil, qizil! Qizil rang — qon rang! Qon rang bilan o'ynashma, baran, qon rang bilan o'ynashma!..".

Romanda o'zligini unutgan, siyosiy o'yinlar qurboniga aylangan obrazlar timsolida yuqori martabali shaxslarga lagabardorlik qilgan jamiyatimizdagi ayrim nopok kimsalarning jirkanch qiyofasi ko'rsatib beriladi.

"Otamdan qolgan dalalar"ning xotimasi nihoyatda go'zal.

... Men qaytib kelaman!

Yetti qavat yerning ostidan bo'lsa-da, qaytib kelaman.

Men dalalarimni deya, qaytib kelaman.

Meni dalalarim qaytarib keladi...

Umri dalada o'tgan Dehqonquldan boshqa gap chiqarmidi? Yo'q! Chunki u bizning Dehqonqul!

HAJVIYA

QO'ZIVOY "ISHLI" BO'LDI

Qo'zivoyni chumoliga ham ziyoni tegmasdi. Yumshoq tabiatliligi yaxshiku-ya, lekin hech kimga foyda bermagani chatoq. Ota-onasi javragani-javragan. Bo'ying eshikka sig'maydi-ku yurishingni qara, sen bekorchixo'jaga birov qizini beramidi?! Mundoq odamga o'xshab bir ishning boshini tutsang-chi...

Bu ta'na-dashnomlar go'yo suv ko'tarmaydigan guruchdek Qo'zivoyni ta'sir qilmaydi. Uydagilari gap boshlashi bilan televizorning ovozi bilan balandlatib qo'yadi, tamom.

Aslida-ku, bekorchilik uning ham joniga tekkan. Lekin nima qilsin, bu qovoq kallasi bilan universitetning ostonasiga ham yaqinlasholmaydi. Ish degani ariqada oqadigan, daraxtda tugadigan narsa emas, ha deganda topilaversa. Vaqtida nomi ulug' korxonada-tashkilotlarning dev hurkadigan darvozasi ko'p bora qoqqan, ammo foydasi yo'q. Tullisi yemirilgan qoldi, xolos. O'qishdan ham, ishdan ham qo'l yuvgan Qo'zivoyni tulbuzoni bezor qilish, ko'cha sang'ishdan boshqasiga yaramaydi.

Bir kuni dilbuzarning qulog'ini burasa, og'zi qulog'ida, bir yigit ko'rinib qoldi. "Mahalla faollari, mutasaddi tashkilotlarga rahmat, o'zim xohlagan maoshda, qiziqqan soham bo'yicha ish topib berdi. Endi, yengini shimarib mehmatga sho'ng'iyimiz", — deydi u. Buni ko'rib Qo'zivoyni kaltiga mushtladi va "Bo'ldi-da shuncha bekor yuraganim, endi mahallaga chiqaman", — dedi-yu o'midan saphib turdi. Shu shasht bilan borib mahalla guzarining eshigini qoqdi. Ammo

ko'zim tushgandi, — dedi Qo'zivoyni rainsing gapini bo'lib. — O'shalardan biri bo'lsayam mayli. Qimirlab tursam bo'ldi, aka. — Ha, ro'yaxatmi?! U o'tgan oyniki, ishlar allaqachon egasini topib bo'lgan.

Subhatning beliga tepib, kimdir eshik qoqdi. Salom-alikdan so'ng, gazetdan muxbir ekani, mahalladagi o'zgarishlarni yoritmoqchiligi aytdi. Kursida yoshilib o'tirgan rais buva o'midan dik etib turdi. Ko'zleri xonasidan chiqib ketgudek bo'lib ko'zoynak taqqan, daftar-qalamini o'q'itqilab, bo'yniga fotoapparat ilib olgan jurnalistga yuzlandi:

— Zab ish qipsiz-da, tanlovda adashmabsiz. Bizning mahalla namunali, sarishtali maskan. U yoq-bo'yoqqa alanglayotgan muxbir akamizning ko'zi Qo'zivoyni tushdi. Rais ham, mahalla ham bir chetda qolib: — Qaysi xonadonda yashaysiz, o'zingizni tanishtiring, nima uchun mahallaga chiqdingiz? — dedi dabrurustdan. — Ish kerak edi, — javob qildi Qo'zivoyni. Muxbir mahalla raisiga qarab: — Xo'sh, ukamizning muammo-si qanday yechim topyapti?! To'satdan berilgan savoldan rais

tainladiyu, o'zi idoradan chiqib ketdi...

Ertasi kuni Qo'zivoyni po'rim kiyinib, yana mahallaga keldi. Xuddi mahallaning kattasidek g'o'dayib yurgan mushukni qulvadi. Maktabga bormagan Ahmadga dakki berdi. Bir chekkada papiros tutatib turgan o'smirlarga ham rosa gap uqtirdi. Keyin mahalla idorasiga kirdi.

Qarasaki, sindfodshi Bo'riyov posbonlik kiyimida bir chekkada qog'ozlarga ko'milib o'tiribdi. Qo'zivoyni xushlamaygina salomlashdi. So'ng xonaning to'rida o'tirgan rais buvaga o'q'raydi. Bemalolxo'ja aka o'zini ishga berilib ketgudek tutdi. Asab talalari dutor simlaridek taranglashgan Qo'zivoyni qattiq yo'taldi.

Rais o'midan qo'zg'alib:

— Qo'zivoyni tuzukmisan?! Buni qara, ish ko'pligidan kelganingni ham sezmay qolibman, — deya Bo'riyovga imladi. U ko'chaga chiqib ketdi.

— Haligi, yuqoriga posbonlik uchun sening nomzodingni bergandim, — davom etdi oqsoqol, — ammo tasdiqlanmadi. Bo'riyovning "tanka"si baquvvat, shekilli. Endi hammasini ham mahalla raisi hal qilmaydi-da, zorimiz bor, zo'rimiz yo'q. Lekin tashvishlanma, nomingni tuman

XANJARBEK

ga ega korxonada va tashkilotlar ro'yxati ham yonimda emas. Ertaga markazga borsangiz, bir piyola achchiq choy ustida bafurja fikrlashib olamiz, nima deysiz? — deb barvasta kishi Qo'zivoyni yelkasiga qoqdi.

Ishning pishganini sezgan ko'hlikkina juvon qo'lidagi matahni og'ziga tutib: "Sizga ish kerakmi, muammo yo'q" radioeshittirishini tinglayapsiz, aziz muxlislar. Mana yana bir xayrli ishga qo'l urildi. Qo'zivoyni ukamiz ishli bo'ldi. Bu haqda tumanning bandlikka ko'maklashish markazi xodimi Tohir Tomirov ma'lumot beradi: — deb matahni mutasaddiga tutdi. Hozirgina bo'sh ish o'rnlari ro'yxati qolib ketibdi deyaotgan odam:

— Biz ishsiz Qo'zivoyni bo'sh ish o'rnlari ro'yxati bilan tanishtirdik. U mo'maygina maoshga ega, o'zi istagan kasbi bo'yicha "Porloq ke-lajak" xususiy korxonasida faoliyat yuritish istagini bildirdi. Bundan tashqari yilning birinchi choragida faloncha odamni ishli qildik, — deya bulbulday sayrab ketdi.

Qo'zivoyni esa, nima bo'layotganini tushunolmay anqayib turaverdi.

So'ng ovoz yozib olayotgan mikrofon unga qadaldi.

— O'zingizga mos ish topibsiz, xursandchiligingizni biz bilan bo'lshsangiz, — dedi juvon.

— Men... bilimadim, — kalovlandi Qo'zivoyni.

So'ng radioboshlovchi: "Qahramonimiz kuchli hayajonda, quvonchdan ichiga sig'may ketaypti... Biz esa, boshqa manzilga yo'l olamiz", — deya matahni o'chirdi.

Tohir aka Qo'zivoyni ertaga to'qqizdan kechikmasligini aytib, xayrlashdi. Qo'zivoyni mehmonlar bilan xo'shlagach, osmonga saphidi. O'zini ofisdagi tebranma stolda o'tirgandek tasavvur qildi.

Ertasi kuni markazga borib, Tohir akani ish joyidan topolmadi. Keyinchalik, zo'rg'a Qo'zivoyni eslagan mas'ul xodim: "Ha, ish o'rnlari bor. Ma'lumotlaringizni tashkilotlarga yuborganmiz. Ozgina sabr qilasiz", — deb javob qaytardi. Qo'zivoyni kunora tashkilotga qatnab turdi va yuqoridagi javobni uch-to'rt marta eshitdi.

Oradan bir oy o'tgach, Qo'zivoyni ish topishdan umidini uzgan bir paytda yana qurmag'ur uyning eshigi taqillab qoldi.

Bu safar Yoshlar ittifoqining tuman kengashi raisi hamda bir guruh faol yoshlar kelgan ekan. Ular Qo'zivoyni uyushmagan yoshlardan ekanidan xabar topibdi. Salom-alikdan so'ng tuman yetakchisi: "Tadbirkorlik faoliyatini boshlash uchun imtiyozli kredit olishingga sertifikat beramiz", — dedi Qo'zivoyni qo'lini siqib.

Avvaliga bunga Qo'zivoyni ishongisi kelmasdi, ammo o'ttiz million so'mlik kreditga sertifikatni o'lgach, yirtiq qalpoq'ini osmonga otdi. Mas'ullar bilan birga kirib kelgan televideniye-ga intervyu berdi. "Yoshlar ittifoqi chin ma'noda yigit-qizlarning suyanchi..."

So'ng, gazetchilar suratga tushirdi, radiodan kelgan opa bilan kelajak rejalar haqida suhbat qurdi. Tuman yetakchisi Qo'zivoyni issiqxonada qurishni maslahat berarkan, ertagayoq sertifikatni hudud-dagi bank filiallarining biriga olib borib, mablag'ini olishi mumkinligini aytdi. "Qanday biznes yuritishni senga o'zim o'rgatamiz", — deb qo'shib ham qo'ydi.

Mana, oxiri Qo'zivoyni ham omdan kulib boqdi. Kimsan Qo'zivoyni, Qo'ziboyni aylanadi endi. Qahramonimiz qanday tong otganini o'zi ham bilmay qoldi. Nahorda sertifikatini o'q'itqilab bankka yugurdi. Afsus, erta quvongan ekan. Garovsiz kredit berilmasmish. Endigina kollejni tugatgan, qariya ota-onasi bilan zo'rg'a kun kechiradigan yigitda mol-mulk nima qilsin?! Qattiqroq shamol bo'lsa, tomi uchib ketadigan uyi bor, xolos. Shunday qilib, Qo'zivoyni hafsalasi pir bo'ldi...

Ha, avval Qo'zivoyni oddiygina ishsiz bola edi. Endi kunora televideniye, radio, gazetdan ismiyu surati tushmaydigan mashhur ishsiz "yulduz" ga aylandi. Hozir ham bo'sh. Qaysi birini tanlaysiz?

Qo'zivoyni shoshib qolganidan: "Bilmadim, to'rt-besh so'm topib tursam bo'ldi", — deb gapni lo'nda qilib qo'ya qoldi. — Barakalla, bu ishda shoshib bo'lmaydi. Yaxshisi, ertagacha o'ylab, bir qarorga keling. Aksiga olib hozir bo'sh ish o'rnlari-

PSIXOLOG MASLAHATI



O'g'lim 20 yoshda. Qizlar ichida o'sgan. Nihoyatda uyatchan. O'zidan biron tashabbus chiqmaydi. Do'stlar, qarindoshlar davrasida ham qisqinib-qimtinib o'tiradi. Bu turishda ertaga qanday qilib oila boshi bo'ladi, bilmayman. Maslahat bering.

Sanobar AHATOVA
Buxoro shahri

Savolga amaliyotchi psixolog Luqmon KAZAKOV javob beradi: — O'g'lingiz uyatchan bo'lishiga yuz foiz oiladagi muhitni sabab qilib ko'rsatish mumkin. U qizlar ichida o'sdi, deyapsiz. Odatda bunday vaziyatda o'g'il bolalarda erkak kishiga xos mardlik, qat'iyat, bir so'zlilik, mustaqil fikrlash


va qaror chiqarish, og'ir yukni yelkasiga olish kabi sifatlar juda sust shakllanadi. Bola ulg'aya boshlagach esa, buning salbiy asoratlari namoyon bo'la boshlaydi. Aytishim kerakki, insonni bolaligida kimdir, aytaylik, past bo'yi, do'mboqligi, jismonan zaifligi yoki boshqa tashqi belgilari sabab kalaka qilganda

ham psixologik biqlik yuzaga keladi.

Mustaqil urinaman desangiz, yigirma yoshda uyatchanlikni bartaraf etish biroz mushkulroq. Malakali psixologning ko'magi kerak, albatta. Lekin o'zingiz ham qo'l qovushtirib o'tirmaganingiz ma'qul.

O'g'lingiz jismoniy kuch, g'ayrat va kurashuvchanlik kayfiyatini talab qiluvchi biron sport turi bilan shug'ullanib ko'rsin. Irodasi mustahkamlanib, ichki dunyosi ochiladi, odamlar bilan yengilroq muloqotga kirishadigan bo'ladi.

Ikkinchi variant, uni muloqot qilishni yoqtiruvchi odamlar davrasiga qo'shishtan iborat. Lekin o'sha odamlar o'g'lingizdagi muayyan ustunlikni ko'ra olsin va e'tirof etsin. Zotan, har bir inson qaysidir jihati bilan kuchli hisoblanadi. Kimdadir tahlil qilish qobiliyati rivojlangan, birov esa, ko'p gapirmaganiga yarasha zo'r mulohaza yuritiladi va hokazo.



Jahongir MIRZO chizgan surat

hech kim yo'q. To'g'ri-da, soat o'nda faqat xo'roz ko'zlarini ishqalab o'midan turadi. Mahalla raisi uni Qo'zivoyni so'rab kelganini qayerdan bilsin, axir! Chamasai bir soatlardan keyin shop mo'ylovli, qorni qappaygan rais — Bemalolxo'ja aka kelib qoldi.

— Ey, Qo'zivoyni, o'zingmisan, — dedi rais buva eshikni ocharkan. — Biz tomonlarga kelmayasan ham, kutib qolmadingmi ishqilib. So'ng o'zini oqlamoqchi bo'lgan-dek qo'shib qo'ydi: "Bir daqiqa ham tinim yo'q, mana hozir uyma-uy yurib, aholi turmush sharoitini o'rganib kelyapman".

Bir oz hasratini to'kkach, Bemalolxo'ja aka Qo'zivoyni nima sababdan kelgani bilan qiziqdi. — Xo'sh, uka, bizga nima xizmat?

— Quysangiz-chi, aka, mushtday bo'lib sizga xizmat aytamanmi, bizga yumush bo'lsa bajaraylik deb kelgandim. — Uzoqdan boshlamay dangilini aytovur, begona emasmi-ku. — Bilasiz, kollejni tugatganimga ham ikki yil bo'ldi. Omdan yuz o'g'irdimi, bilmadim, o'qishga ham kirolmadim. Qisqasi, ish so'rab kelgandim.

— Ish-shshsh, — dedi boshini qashlagan Bemalolxo'ja aka. — Ana shu katta muammo-da. Bakalavr diploming bo'lsa ham mayli edi, ukam. — Guzarning kiraverishida "Bo'sh ish o'rnlari" degan e'longa

o'zini yo'qotib qo'ydi.

Gapni uzoqdan boshlamoqchi bo'lib, "Biz mahallaning har bir fuqarosi bilan yakkama-yakka muloqot qilib, muammosini..." — degan ham ediki, gazetchi uni aravani quruq oqochayotganini sezib, gapni sharta bo'ldi: "Aniq-tinik qilib aytay, muammoning yechimi bormi?"

— Hozir shu masalada gaplashib turgandim, to'g'rimi, Qo'zivoyni, o'zing ayt, — dedi salmoqlanib. Qo'zivoyni endi g'udrana boshlagach, rais yana gapni ilib ketdi.

— Qo'zivoyni bo'sh ish o'rnlari bilan tanishtirib bo'lgach, mahalla posboni lavozimiga tayinlab, uning vazifalarini tushuntirib berayotgandim. To'g'rimi-a, Qo'zivoyni...

Nima bo'layotganini hali anglab yetmagan Qo'zivoyni bosh irg'adi. — Ana, malades, o'zi yaxshi bola-da, — deb Qo'zivoyni ta'riflay ketdi rais.

Jurnalist tilla topganday quvondi, shuning o'zi yetarli — mahalla faollari bir yoshni ishli qildi. Maqola uchun zo'r mavzu. "Endi ikkovingizni ham suratga olay" — muxbir fotoapparatini sozlab, shaq-shaq rasimga tushira boshladi.

Yana rais buva bilan Qo'zivoyni yolg'iz qoldi. Bir-biriga bir muddat tikilib: "E, Qo'zivoyni, Qo'zivoyni, ishing hal, ukam. Buni qara, kutilmaganda posbonlik o'mi bo'shligi xayolimga kelib qoldi. — Ishing besh bo'ladi, — deya rais buva majlisi borligini aytib, Qo'zivoyni ertaga kelishini

bandlikka ko'maklashish markazidagi ishsizlar ro'yxatiga qo'shib qo'ydim. Tozi itday mahallani sang'ib yurasanmi, undan ko'ra markazdan mas'ulroq ish chiqib qolar. Ko'p g'am yema, ularning o'zlari tez orada sen bilan aloqaga chiqadi, hali katta odam bo'lib ketasan, Qo'zivoyni!

Qo'zivoyni tarvuvi qo'ltid'ing tushganday uyga qaytdi. Chamasai besh-olti kundan keyin novchadan kelgan, bo'yinbog'i buzoqning no'xtasiday osilib turgan kishi kelib bandlik markazidan keldik, demaganda bo'lgan voqealarni unutilib yuborgandi.

— Qo'zivoyni siz bo'lasizmi, bizga ish so'rab murojaat qilganmidigiz? — so'radi rasmiy ohangda barvasta kishi.

— Ha menman, — deb javob berdi Qo'zivoyni va suhbatdoshining yonida turgan xushro'yigina juvonga e'tibor qarattirdi.


— Mening ismim Tohir, bandlikka ko'maklashish markazidan. Bizda turli ish o'rnlari bor. Masalan, duradgorlik, quruvchi yoqi salqin ofisida ishlayman desangiz, ish yurituvchi lavozimi ham bo'sh. Qaysi birini tanlaysiz?

Qo'zivoyni shoshib qolganidan: "Bilmadim, to'rt-besh so'm topib tursam bo'ldi", — deb gapni lo'nda qilib qo'ya qoldi.

— Barakalla, bu ishda shoshib bo'lmaydi. Yaxshisi, ertagacha o'ylab, bir qarorga keling. Aksiga olib hozir bo'sh ish o'rnlari-

BILASIZMI?

MAMLAKATIMIZ QONUNCHILIGIGA MUVOFIQ, UY-JOYGA NISBATAN MULK HUQUQI QUYIDAGILAR NATIJASIDA VUJUDGA KELADI:



Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali ma'lumotlaridan foydalanildi.

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan. Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich Norboev Jamoliddin Jumanazar o'g'li "YOSHLAR OVOZI"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi. Navbatchi Akbarjon Abduraimov Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taqoq. Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41. Indekslar: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-736 Adadi — 12955 Bolishga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 23.45 Ofset usulida bosilgan 1 2 3 4 5 6